

## ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

*Р.М.Кенжабоева**Исломиунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мақолада вақф мулкларининг ислом ҳуқуқи манбаларидаги ва замонавий вақфга оид китоблардаги таснифлари келтирилган. Таснифлар вақф мулки, вақф қилувчи, вақфдан фойдаланувчи ва вақфни бошқарувчи жиҳатдан синфларга ажратилган.

**Калит сўзлар:** умумий вақф, авлодий вақф, шариат, вақф қилувчи, вақфдан фойдаланувчи.

Ҳар қандай муаммони тадқиқ этишда унинг методологик хусусиятларини ҳам инобатга олиш ва шу асосда уларни таснифлаш қўйилган масаланинг моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ислом ҳуқуқида вақф муассасасини ўрганишда вақф мулкларини таснифлаш муҳим ўрин тутди. Вақфлар ўз моҳиятига кўра, омма учун қилинадиган умумий вақфларга ва авлодлар учун қилинадиган вақф турларига бўлинади. Аммо, соҳа мутахассислари вақфни вақф қилувчи, вақфдан фойдаланувчи ва вақф мулкига кўра яна бир неча турларга ажратиб кўрсатадилар. Бу ҳақда “Ислом муассасалари тарихи<sup>1</sup>” китобида батафсил маълумот бериб ўтилган. Мазкур асарда яна вақфлар қуйидагича тасниф этилган: 1. Бошқарув жиҳатдан тузилишига кўра<sup>2</sup>: а) давлат назорати остида фаолият юритадиган вақфлар. Бундай вақфлар қаторига, аввало, султонлар ва уларнинг оилалари томонидан ташкил этилган вақфлар киради. Шунингдек, мутаваллиси қолмагани учун давлат назоратига олинган ёки вақф санадида белгиланган мутаваллилари вафот этган вақфлар; мутаваллиларга муайян миқдорда маош тайинланиб, вақф ишларига аралаштирмай давлат томонидан назорат қилинган вақфлар ҳам шулар жумласидандир. б) давлат назорати остида фаолият юритмайдиган вақфлар. Улар қаторига давлат қўллаб қувватлови ва аралашуви бўлган, аммо мутаваллилар томонидан нисбатан мустақил юритилган вақфлар (ушбу асарда фондлар ҳам шу таркибда тилга олинган), давлат назорати остида бўлмай, мутаваллилар томонидан мустақил юритилган вақфлар (тарихда буюк зотлар қурган ёки уларнинг номларига қурилган вақфлар шу турга мансубдир) ҳамда шариатга кўра, тасарруф қилинадиган ва давлат назоратидан бутунлай узоқ бўлган вақфлар киради.

1 Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 390-393.

2 Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 390-391.

Илк даврларда вақфлар идоравий шаклига кўра, фақат воқифнинг ўзи томонидан ва воқиф тайинлаган мушриф (имом ва ш.к.) томонидан юритиладиган вақфларга бўлинган. Вақт ўтиши билан вақфларнинг васиқалари йўқолиб идора шакллари маълум бўлмай қолган. Шунда қозилар унга уларнинг идорасини ўз зиммаларига олишган ва учинчи идоравий шакл пайдо бўлган. Кейинчалик эса тўртинчи идоравий шакл — ҳукумат идораси пайдо бўлган<sup>3</sup>. Ислом тарихида вақфларга идорачилар тайинлашда жамоатчилик ёки ҳукумат қарори билан иш тутилмаган, балки фақат воқифнинг ўзи бу борада танловни амалга оширган. 2. Фойдаланувчиларга кўра<sup>4</sup>: а) Хайрия вақфлари. Бундай вақфлар тўғридан тўғри Аллоҳ ризосига эришиш истагида ташкил этилади ва барча инсонларга хизмат қилади. Уларга жоме масжид, кутубхона, мактаб, мадраса, иморат, вақф шифохона каби асли вақф қилинган маконлар ёхуд зайтун боғи, экин майдони, дўкон, ҳаммом каби ерлардан тушган даромадни бериш йўли билан қилинган вақфлар киради. Бундай даромадлар тўғридан тўғри бирор хайрли ишга ёки бирор эҳтиёжманд кишига хослаб қўйилади. б) Авлодларга қилинган вақфлар. Вақф қилувчи вақф қилган нарсадан келган даромад асл ғояга сарфланишидан олдин вақф қилувчи томонидан тайинланган ва вақф қилувчининг оиласига мансуб кишилар томонидан юритиладиган оила вақфларидир. Баъзан даромад вақф қилувчининг оиласи ва диний, хайрия, ижтимоий муассасалар ўртасида бўлинадиган ярим авлодий вақфлар ҳам бўлиши мумкин. Зуррий ёки ярим зуррий вақфлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг насли тугагач, бу вақфлар хайрия вақфларига айланади.

Авлодларга қилинадиган вақфларни рад этган уламолар ҳам кўпчиликни ташкил этган<sup>5</sup>. Уларнинг фикрича, хайрия мақсадида қурилган вақф муайян оиллага эмас, барча муҳтожларга хизмат қилиши керак. Муаммо шундаки, зуррий вақфлардан оиланинг бой аъзолари ҳам фойдаланиши мумкин, ҳолбуки вақф асосан эҳтиёжмандлар учун қилинади. Абу Юсуф эса вақфдан воқиф ёки унинг яқинлари фойдаланиши мумкинлигини айтганлар. Бу қарашга эргашганлар эса озчиликни ташкил этган. Бироқ тарихда Ҳанафий мазҳаби кенг тарқалмаган ҳудудларда ҳам бу тур вақфлар кенг илдиз отган эди. в) Ҳудудий вақфлар. Бу турдаги вақфларнинг даромади бир қишлоқ ёки маҳалла халқининг эҳтиёжига сарфлашга хосланган. Бундай вақфлар асосан пул кўринишида бўлади. Ҳудудий вақфлар дастлаб халқ тўлаши керак бўлган ер солиқларини тўлаб бериш учун ташкил этилган бўлиб, кейинчалик маҳалла ёки қишлоқ аҳли фойдаланадиган қудуқлар очиш, вафот этганларни дафн этиш, ёшларни уйлантириш каби

3 Мунзир Қаҳф. Ал-вақфул-исломий татоввурӯх, идоратӯх ва танмиятӯх (Исломий вақф: ривожланиши, бошқаруви ва ўсиши). – Байрут: Дор ал-фикр ал-муъосароҳ, 2000. – Б. 31-32.

4 М. Akif Aydın. Türk hukuk tarihi. – İstanbul: Beta Basım, 2017. – Б. 251-252; Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. - Б. 391.

5 Қр. М. Akif Aydın. Türk hukuk tarihi. – İstanbul: Beta Basım., 2017. – Б. 252.

ишларни ҳам ўз ичига олган. 3. Ижарага берилиши жиҳатдан вақфлар: тугалланган бир шартномали (муайян вақт учун ижарага берилган вақф бино ва ерларини ўз ичига олади, ижара муддати тугагач яна шу муддатга шу шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга ижарага берилади. Бунда ижара пули вақф қилинган ғайриманқул умр бўйи ижарачининг тасарруфида қолмайди, унинг меросхўрларига ҳам ўтмайди); тугалланмаган бир шартномали (бунда белгиланган ижара муддати тугагач, ижарачиларнинг ворислари билан келишувни давом эттириш); узоқ муддатли (бундай вақфларнинг асоси вақфга, устидаги бино ва дарахтлар эса тасарруф эгасига тегишли бўлади. Бунинг эвазига кўчмас мулкнинг тасарруф этувчиси вақф қилувчи томонига ҳар йили ижара ҳақи тўлайди. Бундай вақфлар бир кишидан бошқа кишининг тасарруфига ўтказилиши мумкин); икки шартномали (бундай вақфлар олдиндан бериладиган ижара ҳақи (ижараи муъажжала) ва насияга бериладиган ижара ҳақи (ижараи муажжала)га бўлинади) вақфларга ажратилади. 4. Шаръий нормаларга уйғунлиги жиҳатдан жиҳатдан<sup>6</sup> вақфлар иккига бўлинади: а) Вақф шартларига тўлиқ эга бўлган (саҳиҳ) вақфлар. Бунда киши ўзига тегишли мулкни вақф қилади. Бу мулк кўчар ёки кўчмас бўлиши мумкин. Бундай вақфларда мулк ҳуқуқи ва тасарруф ҳуқуқи биргаликда вақф қилинади. Бу ўринда истилоҳда ҳақиқий ва мукамал вақф маъносида саҳиҳ вақф атамаси қўлланган. б) Вақф шартларига қисман эга бўлган (ғайрисаҳиҳ) вақфлар. Бундай вақфлар давлатга тегишли бўлган ерлардан ажратилиб ҳукмдор томонидан ёки ҳукмдорнинг амри билан бошқалар томонидан муайян бир нарсага вақф қилишдан ташкил топади<sup>7</sup>. 5. Ҳуқуқий мақомига кўра<sup>8</sup> вақфлар иккига бўлинади: бекор қилиш мумкин бўлмаган (лозим) (вақф қилувчи ҳам, унинг меросхўри ҳам бу вақфни қайтариб ола олмайди, ҳатто қози ҳам уни бекор қила олмайди) вақфлар ҳамда бекор қилиш мумкин бўлган (ғайрилозим) (вақф қилувчи ёхуд унинг меросхўрлари томонидан тугатилиши мумкин бўлган) вақфлар. Имом Аъзамга кўра, қайд этилмаган, яъни белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган вақфлар қайтиш мумкин бўлган вақфларга киради. 6. Мулк турига кўра, кўчар (манқул) ва кўчмас (ғайриманқул) мулк вақфларига бўлинади. 7. Ташкил этиш мақсадларига кўра, диний хизматлар (масжид), таълим ва маданият (мактаб, кутубхона), ижтимоий мақсадлар (карвонсарой, кўзи ожизлар уйлари) каби кўплаб мақсадларда ташкил этилган вақфлар киради. 8. Вақф қилувчининг ҳолатига кўра, вақфлар бой одамлар; султонлар; васият қилинган вақфларга бўлинади. Васият вақфлари мусулмонлар вафотларидан олдин ўзларининг 1/3 қисми васият қилиш ҳуқуқларига таяниб, мулкларини хайрли йўлларга сарфлашни васият қилишига асосланган. 10. Иқтисодий мазмунига кўра, вақфлар бевосита (масжид, мадраса,

6 Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 392.

7 Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 392.

8 Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 392-393.

шифоҳона каби асли вақф қилинадиган мулклар) ва билвосита (аслидан фойдаланилиб даромад олинадиган ва ана шу даромад вақф учун ажратиладиган мулклар) вақфларга бўлинади. 11. Қонуний шаклига кўра, вақфлар умумий, зуррий, муштарак, доимий ва вақтинчалик вақфларга бўлинади.

Шамсуддин Сарахсийнинг “Мабсут” асарида ҳам худди шу жиҳат кўзга ташланади. Ушбу асар ҳажм ва мазмун жиҳатдан “Ҳидоя”га нисбатан анча каттадир. Қолаверса, барча боблар қатори “Вақф боби”да ҳам мавзулар анча тизимли тарзда баён этилган. Шундай бўлса-да, вақфлар таснифи аниқ тартибга асосланмаган.

Ислом ҳуқуқининг классик манбаларида вақфларнинг энг тартибли ва мукамал таснифини Алоуддин Косонийнинг “Бадоиу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Шариатни тартиблашда гўзал санъатлар”) асарида учратиш мумкин. Алоуддин Косоний бу асарида боб ва фасллар тартибига жиддий эътибор қаратган<sup>9</sup>. Китоб номининг тартиблаш билан боғлаб қўйилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Муаллиф асарда ҳар бир мавзунини ёритишда масалаларни тизимлаштирган ҳолда баён қилган. Вақф боби “Бадоиу-с-саноиъ”да уч йўналишга бўлиб таҳлил қилинган. Биринчиси – вақф ва унинг жоизлиги билан боғлиқ масалалар, ҳукмлар ва далиллар, иккинчиси – вақфнинг тўғри ва мукамал (саҳиҳ) бўлиш шартлари ҳамда учинчиси – жоиз вақф ва у билан боғлиқ масалалардан иборат<sup>10</sup>.

Косоний вақф шартлари борасидаги ҳукмларни ҳам тартиб билан уч қисмга бўлган. Улар – вақф қилувчига, вақф шартномасига ҳамда вақф мулкига тегишли шартлардир.

Вақф қилувчига тегишли шартлар куйидагилардир: 1. Ақлли бўлиш. 2. Балоғатга етган бўлиш. 3. Ҳур бўлиш. 4. Мулкни ўз тасарруфидан чиқариш. 5. Вақфга мутавалли тайинлаб, мулкни шу мутавалли қўлига топшириш (бу шарт Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад томонидан зарур деб топилган шартлар бўлиб, Абу Юсуф вақф шартномасида бундай шарт қўймаган). 6. Агар у масжид бўлса, вақф қилувчининг изни билан унда азон ва иқомат билан бир жамоатнинг<sup>11</sup> ёки бир кишининг<sup>12</sup> намоз ўқиши. Муаллиф бу шартларни шарҳлаб ёш боланинг ва мажнуннинг вақфи қабул қилинмаслигини, шунингдек, уларнинг ҳадяси, садақаси ва қул озод қилиши ҳам саҳиҳ бўлмаслигини таъкидлаган. Ҳур бўлиш шартини тушунтирган ҳолда вақф ишида мулк ўз эгаси тасарруфидан чиқишини,

<sup>9</sup> Қр. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмий, 1997.

<sup>10</sup> Қр. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмий, 1997. – Б. 218.

<sup>11</sup> Абу Бакр Розий Жассос. Шарҳу мухтасари-т-Таҳовий. 8 жилдлик. – Қоҳира: Дору-с-сирож нашриёти, 1431 (2010).

<sup>12</sup> Абдулғаний Ғанимий Майдоний. Ал-лубоб фи шарҳи-л-китоб (Шарҳ мухтасари-л-Қудурий). – Қоҳира: Дору-с-сирож нашриёти, 1435 (2014).

кулнинг эса ўз мулки бўлмаслигини баён қилган. Абу Юсуф ўзининг вақф мулкни мутаваллига топширишни шарт қўймаганига ҳужжат сифатида икки саҳоба – Умар ва Алининг ўзлари вақф қилган мулкнинг вақф ишлари билан ўзлари шуғулланганларини қайд этган. Абу Ҳанифа ва Муҳаммад эса мулк вақф қилувчи тасарруфидан чиқарилмагунча вақф ақди амалга ошмаслигини, Умар ва Али ҳам кейинчалик ўз вақфларини мутаваллига топширишганини, шундан сўнггина вақф ақди амалга ошганини таъкидлашган.

“Бадоиъ”да мана шу ўринда вақф қилувчи масжид ва шу каби умум фойдаланадиган маконлардан ўзининг ҳам фойдаланишини шарт қўйиши масаласини ҳам шарҳлаб ўтган<sup>13</sup>. Имом Муҳаммад вақф қилувчининг ўзи ҳам вақфдан фойдаланишини шарт қўйиш вақфнинг холислигига путур етказди, деган важ билан бу ишни тўғри эмас деб баҳолаган. У вақф қилувчи ўз вақфидан фойдаланишини қулни озод қилиб унинг ўзига хизмат қилишини шарт қўйишга ўхшатган. Абу Юсуф эса саҳоба Умарнинг ўз вақфига мутавалли тайинлагани ва унинг вақфдан инсоф билан ейишини шарт қўйганини ҳужжат қилиб вақф мутаваллиси ундан фойдаланиши мумкин бўлишини, вақф қилувчининг ўзи ҳам мутаваллиликни ўз зиммасига олиши мумкинлигини таъкидлаган.

Вақф қилувчи вақф ҳужжатида ўзининг вақф мулкни сотиши ва унинг пулига яхшироқ мулкни (вақф мулки сифатида) сотиб олиши мумкин эканини айтиб ўтган.

Вақф шартномасига тегишли шарт – унинг абадий муддатга тузилиши ҳисобланади. Муаллиф бу ўринда мисол тариқасида масжидни вақтинчалик вақф қилиш жоиз бўлмаслигини таъкидлаб ўтган.

Вақф мулкига тегишли шартлар эса қуйидагилардан иборат: Биринчиси – вақф қилинаётган мулк кўчмас мулк бўлиши керак. Агар кўчар мулк вақф қилинаётган бўлса, бу ишни амалга ошириш учун қуйидаги шартлардан бири топилиши лозим: А) кўчар мулк ўзи тегишли бўлган кўчмас мулк билан бирга (масалан, дарахтлар боғ билан бирга) вақф қилинган бўлиши керак; Б) шундай кўчар мулкни вақф қилиш оят ёки ҳадисларда зикр қилинган бўлиши керак; В) шундай турдаги кўчар мулкни вақф қилиш аҳоли ўртасида урф-одат тусига кирган бўлиши керак.

Муаллиф ўз асарида вақф мавзусини ёритар экан, фикҳий усулларни ҳам келтириб ўтган. Абу Ҳанифа ва икки имом қарашларидаги тафовутни изоҳлашда ҳар бирининг қайси фикҳий қуролга асос қилиб олганини ҳам тилга олган. Жумладан, юқорида тилга олинган кўчар мулк вақфига оид фикрлар ва далилларни санаб ўтишда бир неча мисоллар келтирган. Улардан бири экилган дарахтлар вақфи бўлиб, “Бадоиъ”да кўчар мулк бўлгани учун дарахтларнинг

<sup>13</sup> Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 220.

вақфи жоиз эмаслигини, аммо урфда бор бўлгани учун истихсон<sup>14</sup>га кўра жоиз бўлишини таъкидлаб, “муслмонлар учун яхши бўлган нарса Аллоҳ наздида ҳам яхши”<sup>15</sup> эканини айтиб ўтган. Жанг учун қурол вақфи масаласига тўхталиб эса, бу иш Абу Ҳанифа наздида жоиз эмаслигини, аммо икки имом наздида жоизлигини айтган. Сўнг уларнинг нимага асосланиб жоиз ёки жоиз эмас деганлари масаласига тўхталган. “Бадоиъ”да келтирилишича, Абу Ҳанифа жанг учун қурол-аслаҳа вақф қилишни икки сабабга кўра жоиз эмас деган. Биринчиси – унинг кўчар мулклиги, иккинчиси эса қурол-аслаҳа вақф қилиш урфда йўқлигидир. Икки имом эса қурол-аслаҳа вақфи масаласида ҳадис (насс) борлиги учун бу ўринда қиёсний тарқ қилишган. Ҳадис эса ушбуди: Саҳоба Холид ибн Валид жанг учун қурол-аслаҳа ва отларни вақф қилган<sup>16</sup>. Муаллиф саҳоба Холиднинг қурол-аслаҳа ва отларни тижорат мақсадида эмас, балки жанг учун ушлаб турганлик эҳтимол<sup>17</sup>ини илова қилган. “Бадоиъ”да кўчар мулк вақфига оид яна бир мисол китобларни вақф қилиш мавзусидир. Абу Ҳанифа наздида китоблар вақфи жоиз эмас, аммо икки имомнинг қарашлари борасида ислом ҳуқуқи олимлари фарқли фикрларни илгари суришган. Улардан бири шуки, Наср ибн Яҳёдан ривоят қилинишича, у Абу Ҳанифанинг издошларидан бўлган фақиҳларга китоб вақф қилган.

Алоуддин Косонийнинг вақфга оид ҳар бир масалада мисоллар ва далилларни ўз ўрнида келтириб ўтиш ва натижада мавзуга қайта-қайта мурожаат қилавермаслик услуби китобнинг тартиблилиги ва қулайлигини янада оширган.

“Бадоиъ”да вақф қилинган мулкка доир шартларнинг иккинчиси унинг бўлинган бўлиши масаласидир. Мулкнинг бўлинган бўлиши имом Муҳаммад томонидан илгари сурилган шарт ҳисобланади. Унинг наздида умумий мулкни вақф қилиш жоиз эмас. Абу Юсуф эса вақфнинг мукамал ва тўғри бўлишида бундай шартни қўймаган. Унинг фикрича мулк бўлинган ёки умумий бўлишидан қатъи назар уни вақф қилиш мумкин.

Асарда бу қарашларнинг асоси нимага бориб тақалиши ҳам батафсил баён қилинади. Унга кўра, Имом Муҳаммад наздида вақфнинг тўғри бўлиш лшартларидан бири у мулкни топшириш ҳисобланади. Мулкнинг умумий характерга эга бўлиши эса мазкур топшириш шартини амалга оширишда тўсик бўлади. Абу Юсуфнинг вақф шартларида топшириш шарти мавжуд бўлмагани

<sup>14</sup> Истихсон – усул ал-фикҳ илмида мужтаҳиднинг бир масалада ижмо, зарурат, урф, маслаҳат, яширин қиёс каби хусусий ва янада қувватли далилга таяниб ўша масалага ўхшаш масалаларда қўлланган умумий қуролдан ва илк хотирга келган ечимдан воз кечиши ва ҳуқуқнинг мақсадига янада уйғун деб топган бошқа бир ҳукми беришига айтилади. Қр. ТДВ энциклопедияси. 41 жилдлик. 23-жилд. – Истанбул: ТДВ, 2001. – Б. 339-347.

<sup>15</sup> Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 220.

<sup>16</sup> Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. ... –жуз. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2018. 1468-ҳадис.

<sup>17</sup> Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 220-бет.

учун мулкнинг бўлинган бўлиши ва умумий мулк бўлмаслиги шарти ҳам мавжуд эмас<sup>18</sup>. Бу ўринда Абу Юсуфнинг фикрини қўллаб-қувватловчи далил сифатида ушбу ҳадисни келтириб ўтиш мумкин: Саҳоба Умарнинг Хайбарда юз саҳм ери бор эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) у ернинг аслини сақлашни амар қилдилар. Бундан келиб чиқадики, умумий мулкдан ҳам вақф қилиш мумкин бўлади ва бу иш вақфнинг мукамал бўлишида тўсиқ бўлмайди. Имом Муҳаммаднинг бунга жавоби эса қуйидагичадир: саҳоба Умар у ерни бўлишдан олдин ёки кейин вақф қилгани аниқ эмас. Шубҳали нарса ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. Агар уни бўлишдан олдин вақф қилгани ойдинлашса ҳам уни бўлинмаган вақтда вақф қилиб кейин бўлиб топширган бўлиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Унинг шундай қилгани ривоят қилинган(?). Совғани ҳам мулк бўлинмаган вақтда ҳада қилиб сўнг бўлиш мумкин<sup>19</sup> бўлгани каби ҳиссали мулкни ҳам олдин вақф қилиб сўнг бўлиш мумкин.

“Бадоиъу-с-саноиъ”да вақф мавзусининг ёритилишида унинг аввал бошданок уч фаслга бўлиб ўрганилганлиги, ҳар бир фаслда ҳукмлар ва далиллар тизимлилик билан келтирилганлиги китобнинг аҳамиятини янада оширишда, уни таҳлил қилишни осонлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ислом ҳуқуқига оид XIX-XX асрларга тегишли асарлар ёхуд замонавий манбаларда вақф институтининг таснифи ҳам ўзига хосдир. Жумладан, **Муҳаммад Яҳёхон Хўқандийнинг “Хўқанди латиф маноқиби” китобида вақфлар таъсис тоифасига кўра қуйидагича таснифланган:** а) муайян шахслар томонидан қилинган вақф (вақфи аҳлий); б) вақф қилувчининг авлодлари фойдасига қилинган вақф (вақфи авлод); в) мазорлар фойдасига қилинган вақфлар (абвобу-л-бирр); г) хайрия муассасалари учун қилинган вақфлар (абвобу-л-хайр). Мазкур асарда авлодий вақфлар ҳақда тадқиқотимиз жараёнида фойдаланилган бошқа манбаларда учрамаган қуйидаги маълумот берилган: “Вақф қилувчининг авлодлари фойдасига қилинган вақф (вақфи авлод). Бунда вақф қилувчининг эркак авлодлари учун мутаваллилик мерос бўлган, холос. Даромад вақфномада кўзда тутилган вазифа учун ишлатилаверган”<sup>20</sup>.

**Шунингдек, ушбу асарда вақфларга оид қуйидаги маълумотлар учрайди:** “Баъзи машҳур ҳамда қадимий мазорлар, йирик ва машҳур эшонларнинг вақф мулклари бутунлай ёки қисман солиқлардан озод қилинган. Бундай вақфлар “Оқ вақф” деб айтилади. Вақф мулкни солиқдан озод қилиш

<sup>18</sup> Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмий, 1997. – Б. 220-бет.

<sup>19</sup> Ҳада (ҳиба) бобида бу мавзудаги фатво қуйидагичадир: “Тақсимланадиган шериклик нарсада ҳиба бўлмайди. Тақсимлаб бўлиб, топширса, тўғри бўлади”. Қр. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-жилд. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008. – Б. 171.

<sup>20</sup> Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқанди латиф маноқиби.

хукмдорнинг ёрлиғи ва иноятномаси билан кучга киради”<sup>21</sup>. **Шундан келиб чиқиб вақфларнинг яна бир тури** – солиқ тўланадиган вақфлар ва солиқ тўланмайдиган вақфлар (оқ вақфлар)га ажратиш мумкин бўлади.

Вақфларнинг таснифланиши масаласига турли давр ва маконларда олимлар турлича ёндошганлар. Албатта, бундай назариялар нисбий бўлиб, соҳа мутахассисларининг ўз илмий изланишлари натижасидир. Вақф институтининг таснифланишини ўрганиш келгусида вақфларнинг алоҳида турларини тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

---

<sup>21</sup> Муҳаммад Яхёхон Хўкандий. Хўканди латиф манокіби.